

О‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Oqdaryo tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Акдарьинского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.г. « 16 » ноябрь

№ 974 -Қ

Oqdaryo t., - р.Акдарья

“Қурбон Бобо” фермер
хўжалигига ижарада
фойдаланиш учун қўшимча ер
майдони ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори ҳамда қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида “Қурбон Бобо” фермер хўжалиги бошлиғи Қурбонов Хайруллонинг қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи ва қайта ташкил этиш комиссиясининг баённомаси, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг ҳулосаси, халқ депутатлари Оқдарё туман Кенгашининг 2020 йил 14 ноябрдаги №18/107-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6,25-моддалари қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Оқдарё туман Кенгашининг 2020 йил 14 ноябрдаги №18/107-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин ва туманда доимий фаолият юритувчи қайта ташкил этиш комиссиясининг танлов яқунлари тўғрисидаги баённомаси ғолиби деб топилган “Қурбон Бобо” фермер хўжалиги бошлиғи Қурбонов Хайруллонинг пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича Зарафшон массиви ҳудудидаги 127-125-контурларидан жами 11,9 гектар, шундан: суғориб ҳайдаладиган ер 11,2 гектар, ариқлар 0,5 гектар, йўллар 0,2 гектар ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги тендер баённомаси тасдиқлансин.

2. “Қурбон Бобо” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратилиши муносабати билан пахта-ғалла-чорвачилик йўналишида фойдаланишидаги жами ер майдони 22,8 гектар, шундан: суғориб ҳайдаладиган ер 21,5 гектар, ариқлар 0,9 гектар, йўллар 0,4 гектар ер майдони этиб белгилансин ва “Қурбон Бобо” фермер хўжалигига 31 йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. “Қурбон Бобо” фермер хўжалиги бошлиғи Қурбонов Хайруллага фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаларини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин;

- туман Давлат солиқ инспекциясига мазкур фермер хўжалигини молиявий фаолияти устидан назорат ўрнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тартибга солиш;

- туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хўжалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими:

 Н.Сулаймонов